

---

## ТАНЛОВ ҒОЛИБИ - 1-МАКТАБ ЖАМОАСИ

Хорижий тилларни ўрганиш давр талаби. Шу боис барча умумтаълим мактабларида бу борада амалий ишлар қилинмоқда. 23-умумтаълим мактабида ташкил этилган ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ УЧУН “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танловининг туман босқичи фикримизга яққол мисолдир. Танлов қизғин беллашувлар остида ўтди. Якунга кўра, биринчи ўрин 1-мактаб жамоасига насиб этди. Жамоа танловнинг бош соврини 100 000 000 (юз миллион ) сўм пул мукофоти ҳам қўлга киритди. Иккинчи ўрин ва 75 000 000 (етмиш беш миллион) сўм пул мукофоти 3-мактаб жамоасига, учинчи ўрин ҳамда 50 000 000 (эллик миллион) сўм пул мукофоти 8-мактаб жамоасига насиб этди.

2022-03-17 13:09:26